

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI⁹¹

30-ОКТАВР

ANDIJON, 2024

ТАСВИРИЙ САНЬАТ АСАРЛАРИНИ БАДИЙ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ЖАРЁНИДА
ҮҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРVARВАРЛИК ҲИС ТҮЙҒУЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ

Арофат каримова

Аннотация: умумбашарий қадриятларни ўргатиш орқали ўқувчиларни ватанпарварлик ҳис-түйғуларини шакллантиришнинг мантиқий асослари ҳақида баён этилган.

Таянч сўзлар: санъат, ватанпарварлик, умумбашарий қадриятлар хикмат, ранг, қадрият, шакл, графика, мазмун, тасвирилаш, миллилий, руҳият, мантиқ, ҳис-түйғу, анъана, уйғунлик.

“Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки ҳалқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги қашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.”¹ Шавкат Мирзиёев
Жаҳон тасвирий ва амалий санъатига назар ташлар экансиз, мусаввирларнинг асарларидағи ҳар бир чизиқ ва ранг ҳамда шаклларда бир дунё хикматлари яширганини гувоҳи бўласиз. Жаҳон тасвирий санъатининг буюк рассомлари Леонардо до Винчи, Шарден Ж.Б.С., Брюлов К.П., Айвозовский И.К., Шишkin И.И., Ван Г.В., Пабло Пикассо ва бошқалар дунё манавият ҳазиналарига катта хисса қўшганлар. Шулардан бири Француз рассоми О.Домъенинг “Эман” асарини бадиий, фалсафий ва психологик тахлил қилиб кўрамиз.

Домье Он оре Викторъен (1808-79) Франция графиги. XIX аср анъатида графика катта аҳамият қашф этди. Сиёсий карикатура, айниқса, ўзининг социал жиҳатидан ўткирлиги, кескинлиги билан ажralиб турди. Домье Францияда сиёсий карикатуранингтэнг йирик вакилларидан эди. Онера Домъенинг номи тилга олинар эканг, француз ёзувчиси Андре Вюрмесернинг қўйдаги машҳур сўзлари эсга келади: “Домье... бу ҳалқ, унинг қаҳрғазаби, олижаноблиги, кўнгилчанглиги, куч-кудрати, ор номусидир”. Рассом курашчи Домье, ижодининг бутун моҳияти, худдий ойнадагидек, ўзининг ёрқин ифодасини топди.² Домье Он оре Викторъен (1808-79) Франция графиги, тангтасвирчи ва ҳайкалтариш. 1814 йилдан Парижда яшаган. Қаламтасвир, рангтасвир ва литографирадан дарс олган. 1830 йили инқилобдан сўнг, танқидий, сиёсий плакатлар ишлаган ва катта мувофияқатга эришган ҳамда ҳаллқа танилган. Танқидий плакатлари кўп нусхада чоп этилган. Унинг дунёқарашини кенглиги, тасвир тилини яхши билиши, инсонлар қалбига ўз фикр-мулоҳазаларини етказа оладиган маҳоратга эга бўлган. Унинг “Кир ювучи”(1859-60), “Учунчи тойфали вагон”(1862 63), “Эман” каби асарлари дунёга машҳурdir.³ Масалан эман дараҳти қанақа дараҳт? Эман (дуб, булат)- ёруқсевар, қурғоқчиликка чидамли бўлиб у 1000 йилдан ортиқ яшайди. Дараҳтнинг баландлиги 20-25 метр, шоҳ-шаббаси кенг бўлади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, 5 метр чукурликка кириб боради. У атроф-муҳитга соғламлаштирувчи таъсири бўйича бошқа ўсимликлардан устун туради⁴ Дуб - куч, қудрат, узоқумр, чидамлилик, мардлик, улуғворлик рамзи.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида номли “Тошкент шахри, 2017 йил 23 июнь маъruzасидан

² Апухтин О.К. Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар. Т., Ўқитувчи, 1965, 144-бет.

³ Популярная художественная энциклопедия: Архитектура. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративное искусство. –М.: “Энциклопедия” Книга I. 1986. с. 227.


⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашрёти. Тошкент, 2005, 210 бет.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI⁹²

30-ОКТАВР

ANDIJON, 2024

Греция, Германия ва бошқа давлатларда дуб мамақалдириқ худосига бағишиланган бўлиб, у яшинга чидамли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда дуб дунё ўқи ва табиий ибодатхона ҳисобланган. Яна дуб эркакли кучи ва донолик рамзи ҳисобланади. Дуб барги кўпгина давлатларда ҳарбий белги сифатида ишлатилади.⁵ О. Домье асарини тахлил қиласал қиласал экансиз аввалом бор асардаги асосий элементлар қўйдагилардан иборат: Эман дараҳтининг танаси, яшин, шамол, дарё, дараҳтнинг илдизи, дараҳтнинг шоҳидан иборатdir.



Мусаввир О. Домье. Эман асаридаги асосий элементлар. 1. Эман дараҳтининг танаси. 2. Яшин. 3. Шамол. 4. Дарё. 5. Дараҳтнинг илдизи. 6. Дараҳтнинг шоҳи. 7. Ёруғ-соя. Эманнинг танаси инсон гавдасига ўҳшатиб бир томонга қадди букилган ҳолатда тасвириланган. Қандай қилиб қалин танали эман дараҳти бучайиб қолган? Бунинг сабаби шундаки, ушбу эман дараҳти ниҳоллик давридан хозирги давргача бошидан жуда кўп қийинчиликларни ўтказганлигини кўрсатиб турибди. Эман дараҳтини белидан синиб, ярим жонда бўлсада, охирги кўкариб турган шоҳи хам синиш арафасида зўрға-зўрға шамол ва бўрон қаршилигига чидаб турган ҳолати акс эттирилган. Шунинг учун ҳам О. Дамье асаридаги асосий қаҳрамон қилиб эман дараҳтини танлаган ва асарни номини “Эман” деб номлаган. Асарда қўйилган фояни ечимиға ёрдамчи қилиб, атрибутларни табиятга мос ҳолда воқейликни танлаган. Яъни чақмоқ, қора булут, дарё, шамол ва боқлар лган ва ўз олдига қўйган мақсадига эриша олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида номли”Тошкент шахри, 2017 йил 23 июнь маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).
2. Апухтин О.К. Тасвирий санъат ҳақида сұхбатлар. Т., Ўқитувчи, 1965, 145-бет.
3. Костерин Р.П. Учебное рисование. М. Просвещение. 1984- с. 201

⁵ Тресиддер Дж. Словарь символов /Пер. с. Анг. С. Палько. –М., ФАИР –ПРЕСС. 2001.-87 бет

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI⁹³

30-OKTABR

ANDIJON,2024

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашрёти. Ташкент, 2005, 210 бет.
5. Тресиддер Дж. Словарь символов /Пер. с. Анг. С. Палько. –М., ФАИР –ПРЕСС. 2001.- 87 бет